




2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 05
(876)
2024 йил
1 февраль,
Пайшанба

ТАБИАТГА МУНОСАБАТИМИЗ ҚАЧОН ЎЗГАРАДИ?



Экология ва атроф-мухит тозалиги ҳакида сұхбат борарди. Устозим, қызик вөкөа ҳакида айтиб қолди:

— Масалан, бир йили битта сурат әйлон қилинди. Үнда асфалтта ташланган сақиични чўқиламоқчи бўлган күш тумшуғи ёпишиб ўлади. Уни ёнида эса полапони чирқилляпти. Бир бефаросатнинг ахлатни кўчага ташлагани фожиаси бу.

Беихтиёр ўйлаб қолдим. Кушда нима айб бор эди. Эҳтимол, бирор саҳий инсон емиш ташлаган, деб ўйлагандир.

Бу, бир вөкөа. Бехос, болалигимизда катталар айтган ўғитлар хаёлга келади. Сувни исроф килма, сувга тупурма, ариқни ифлослантирма, ахир у ерда обиҳаёт бўлган сув оқади, табиатга эҳтиётлик билан муносабатда бўл, дейишарди... Бола эканимиз, у гапларнинг маъносини кўпам тушунавермасдик. Ёш улгайиб эса, накадар ҳақ гаплар эканини англайпмиз.

Донолар, билмасдан сўйламас, деганлари рост. Энди замонлар ўзгарди. Эҳтимол, ҳозирги катталар ҳам ўзгаришгандир. Балки, катталар ўшларга насиҳат айтмай қўйишгандир. Қайдан биламиз, катталарни тириклик ғами ўзидан ортмайдиган қилиб қўйгандир. Инсоният тобора ривожланиб бормоқда. Ҳозир одамлар, замонавий – кўлларида энг охирги русумдаги мобил

курилмаю компьютерларнинг сўнгги авлоди. Инсоният ривожланиши, камол топмоғи лозим. Ва ҳамма ўз замонасининг илғори бўлмоғи шарт.

Нега, катталар насиҳат қилмаяпти, деган хулосага келдинг деяпсизми, ким билсин балки, янгишаётгандирман. Аммо, баъзи воеаларни кўриб, одам бу гапнинг тасдигигаям ишониб қолади. Масалан, дейлик бир она боласига ўралган музқаймоқ олиб берди. Болакай музқаймоқ қоғозини ахлат қутига эмас, балки кўчанинг ўртасига ташлади. Она эса бепарво. Шу жойда она боласига ахлатни қутига ташлаш кераклиги ҳакида айтганда, болакай қилган иши яхши бўлмаганини англаб, келаси сафар бундай қилмасди. Ёки, иккинчи ҳолат. Ота-она болаларини табиат қўйнига олиб чиқишиди. У ерда тановул қилишди. Ва емаклардан қолган чиқит, ўша жойда қолди. Улар кетишиди. Ота-она қилган ишдан болалар ўрнак олишади. Агар чикитларни йигиштириб кетишиганда эди, барис тескари бўларди. Болалар ҳам шу одатга ўрганишарди.

Муқаддас динимиз Ислом асосида ҳам поклик туради. Динимиз ҳамма нарса пок бўлиши тарафдори. Тозалик ва озодаликка тарғиб килувчи, бир неча ҳадиси шарифлар бунга мисол бўлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, атроф тоза

бўлса, ён-верига шунақа аура тарқаларкан. Тоза жойда фикрлар ҳам соғ бўларкан.

Кейинги пайтларда атроф-мухитга боқиб, жуда беътибор бўлиб қолгандекмиз, дея ўйлаб қоляпман. Кўлимиздаги ахлатни хоҳлаган жойимизга улоқтирамиз. Ахлат қутига ташлаш хаёлимизгаям келмайди. Фаросат масалалари ҳам бор-да.

Қизиги атрофимизга бепарво бўлиб, нафақат атрофимиздагиларни бехурмат қилган бўламиз, ўзимизгаям шу хунук манзаранираво кўргандек бўламиз. Чунки, бу кўчалар, табиат, ариқлар ҳар биримизники-ку! Буларнинг тозалигига жавобгар мену сизга ўхшаган қоракўзлар-ку!

Умуман чиқиндилар билан боғлиқ масалаларга эътибор бермай қўйганимиз.

Подъездларга кирсак, сигарета қолдигиу ҳар хил чиқит селлофанларга тўла бўлади. Шуни кутига ташлашга фаросатимиз етмайдими? Кўчалардаги ариқлар баклашка, сигарет қолдигиу писта пўчоқлари, яна алламбало ахлатларга тўла. Хўш, шуни керакли жойга ташлаши қийиндими? Бекатлар олдини-ку, кўяверинг. Одамнинг таъбии хира қиласди. Инсон фитрати гўзаллик истайди. Инсон таъби гўзалликка ўч. Лекин, атрофдаги чиқиндиларни кўриб, ҳафсала пир бўлади.

Бир хусусда ўйлаб ҳеч охирига етолмайман.

(Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон — Хитой: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Хитой заминида олиб борилган мулокотлар самарали кечди. Куни кечча Пекинда биринчи таълим форуми, Шанхайдаги Ўзбекистоннинг туризм имкониятлари кўргазмаси муваффақиятли ўтди. Ўзбекистон маданияти кунлари доирасидаги тадбирлар эса Хитой пойтахти аҳолиси ва меҳмонларида катта қизиқиш ўйғотди.


(Давоми 2-саҳифада)

ОҲАНГ!

Бугун телевидение,
радио, интернет, диск,
флешка ва бошқа
техника воситаларида
элга тарқатилаётган
куй-қўшиқларнинг
оҳангি қандай? Ва у
нималарга қодир?..
Кузатишмача,
бугун у жуда катта
ижтимоий-сиёсий
ва психологик кучга
эга бўлиб улгурди.
Бошқача айтсан,
ОҲАНГ ОДАМЛАРНИ
БОШҚАРЯПТИ!

Қандай
дайсизми?

(Давоми 8-саҳифада)





Ўзбекистон — Хитой: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидағи ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганига 30 йилдан ошди. Кейинги йилларда стратегик шериклик алоқалари юксак даражага күтарилиб, икки томонлама муносабатлар жадал суръатда ривожланмоқда.

Катта нуфузга эга бўлган Хитой иқтисодий юксалиш ва ялпи ижтимоий маҳсулот ҳажми бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бундай қудратли давлат билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш Ўзбекистон халқининг туб миллий манфаатларига тўлиқ мос келади.

Бугунги кунда ҳар икки мамлакат халқаро муносабатлар тизимида ўз ташки сиёсатини халқаро хуқуқ нормалари доирасида, миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қуришда масъулиятли давлат сифатида намоён бўлмоқда. Чунки Янги Ўзбекистон ҳам, Хитой ҳам халқаро муаммоларни ҳал қилишда ташаббускорликни на мойиш этяпти.

Бу ташаббус Президентимизнинг “Тинчлик ва хавфсизлик учун Самарқанд бирдамлик ташаббуси” ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг “Глобал цивилизация ташаббуси”да цивилизациялар ўртасидаги мулокотни йўлга қўйишдек эзгу мақсадга эришишга қаратилган. Бундай ёндашув икки давлат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик учун ишончли замин яратди.

Кейинги йилларда Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик инвестори ва савдо ҳамкорига айланди, десак муболаға эмас. Сабаби Ўзбекистон бизнеси Хитойда ўз иштирокини ишонч билан кенгайтироқда. Хитой бизнеси Ўзбекистон ҳудудларида тобора кўпроқ янги ишлаб чиқариш кувватларини очаётир. Хусусан, уяли телефонлар, юк ва енгил автомобиллар, санитария-техник воситалар, цемент ва бошқа юқори қўшимча қийматга эга

маҳсулотлар Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар бозори учун янада катта ҳажмда ва тобора кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда.

Икки давлат ўртасида олий таълим соҳасидаги муносабатлар ҳам йилдан йилга ривожланиб боряпти. Айни чоғда саккиз минг нафардан ортиқ ўзбекистонлик ёшлар Хитойдаги олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда. Илмий-маданий алоқалар ҳам кенгаймоқда. Дунёнинг бошқа мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам Хитойни ўрганишга қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ҳитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан ушбу давлатга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муно-

устидан таъсирчан парламент назоратини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

2020 йил май ойида Олий Мажлис ва Бутунхитой ҳалқ вакиллари кенгаши ўртасида ҳамкорлик бўйича парламентлараро гурух ташкил этилгани парламентлараро ҳамкорликни янада фаоллаштириди, кенг қаровли стратегик шерикликни ривожлантиришда муҳим омил бўлди.

Парламентнинг қонун ижодкорлиги соҳасида хорижий давлатлар билан ўзаро тажриба алмашиш муҳим йўналишлардан биридир. Бу борада 2023 йил 4 24 июлда Хитой Халқ Республикаси Савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган “Ривожланаётган давлатлар парламентарийлари учун семинар” муҳим

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамда Хитой Ҳалқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин имзолаган қўшма баёнот томонларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликни турил соҳаларда ҳар томонлама мустаҳкамлаш ҳамда икки давлат ўртасидаги барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шерикликни мазмун жиҳатидан бойитишга хизмат қиласди.

Икки давлат ҳукуматлари ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги, техник-иқтисодий инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик, давлат илмий-тадқиқот муассасалари ҳамкорлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Таълим вазирлиги ўртасида хитой тилини ўқитиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва бошқа келишувлар халқларимиз манфаатларига жавоб беради.

Эришилган натижалардан бири мамлакатларимиз бизнес вакиллари фаолиятини кўллаб-куватлаш ва уларга қулагай шароитлар яратиш бўйича келишувлар бўлди. Қабул қилинган тарихий ҳужжат – Ўзбекистон-Хитой муносабатларини барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига олиб чиқадиган давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти ҳам бунга хизмат қиласди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигига бунёдкорлик руҳи ҳукмрон. Ташриф доирасида эришилган келишувларнинг хаётга татбиқ этилиши икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида иқтисодий ўсишни янада оширишга, пировардида миңтақамизда ва курраи заминимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

**Абдумалик АКРОМОВ,
Олий Мажлис Конунчилик
палатаси депутати**

**Икки давлат ҳукуматлари ўртасида атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш соҳасидаги, техник-иқтисодий инсон
ресурсларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик,
давлат илмий-тадқиқот муассасалари ҳамкорлиги,
Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва
инновациялар вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси
Таълим вазирлиги ўртасида хитой тилини ўқитиш
соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва бошқа
келишувлар халқларимиз манфаатларига жавоб
беради.**

сабатларни янада мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди. Ушбу ташриф давлатимиз раҳбарининг 2024 йилдаги илк хорижий сафари бўлиб, бу ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларига янги таъсирчан суръат бағишлийди.

Ташриф доирасида Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Бутунхитой қўмитаси Раиси Чжао Лэцзи билан бўлиб ўтган учрашув чоғида парламентлар ўртасидаги мулокотни кенгайтириш ва “Ўзбекистон — Хитой” дўстлик гурухларини фаоллаштириш зарурлиги қайд этилди. Олий даражадаги келишувларнинг амалга оширилиши

аҳамият касб этди. Унда иштирок этган Қонунчилик палатаси вакиллари ташриф давомида ХХР парламенти фаолияти билан танишиш, қонун ижодкорлиги ва бошқа соҳаларда ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлди.

Хитой заминида олиб борилган мулокотлар самарали кечди. Куни кеча Пекинда биринчи таълим форуми, Шанхайдаги Ўзбекистоннинг туризм имкониятлари кўргазмаси муваффақиятли ўтди. Ўзбекистон маданияти кунлари доирасидаги тадбирлар эса Хитой пойтахти аҳолиси ва меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди.



ТАБИАТГА МУНОСАБАТИМИЗ

ҚАЧОН ЎЗГАРАДИ?

(Бошланиши 1-саҳифада)

Бизнинг уйнинг олдида, анхор бўйида пиёда юриб сайд қиласидан жой бор. Дараҳт ҳам кўп. Ўша ерда тахминан ҳар 1 км масофада 3-4 та замонавий ахлат ташлайдиган кутилар ўрнатилган. Энг ачинарлиси, ҳаммаси синиб ётибди. Узилиб тушган. Ахлат кути қолиб, унинг ёнларига чиқинди ташлаб кетишиди. Қизиқ ҳолат. Хўш, синдириш шартмиди. Ахлатни қутига солса бўлади-ку! Ёки қайси фаросати бор одам сувга ахлат ташлайди. Ана шу жойда, насиҳат қиласидан улуғларнинг пандига эҳтиёж тугилади.

Дунёнинг энг ривожланган давлатларида вазият қандайлига билан қизиқаман. Ҳаммасида жиддий. Одамлар фақатгина белгиланган жойгагина ахлат ташлашаркан. Ҳатто, экологияга зарар етказган, кўлидаги ахлатини дуч келган томонга улоқтирганларга жиддий чоралар

кўриларкан. Ва аҳоли экоонги ҳам шунга мослашган экан. Жамиятдан айро ҳаракат қилиб бўлмайди-ку!

Биргина мисол, нафакат Осиёнинг, балки тобора дунёнинг ҳам энг ривожланган давлатларидан бирига айланиб бораётган, тараққий суръати тез Японияда тозаликка эътибор болаликдан бошланаркан. Мактабларида фаррошлар йўқ, деган гапни эшитиб ҳайрон қолдим. Кейин билсам, синфхона ва мактаб тозалигига ўқувчиларнинг ўзлари жавобгар экан. Пол ювишу бошқа юмушларни ўзлари бажарарканлар. Бундай тарбия олган боланинг энг аввало кибри синади. Қарабисизки, катта бўлишгач ҳам тозаликка жиддий карайдилар-да! Қайсирий иили Тошкентда ўтган футбол бўйича

мусобақада, япон муҳлислари ўзлари ўтирган жойдаги чиқиндиларни маҳсус пакет-халталарга солиб, то-залаб кетишгани, ҳавасимни ортирганди.

Энди эса, ўзимиздаги вазиятни ўйлаб, одам хафа бўлиб кетади. Нега, биз бундаймиз? Нега?

Хеч бўлмаса, тобора заарланиб бораётган она сайёранинг янада ифлосланишига хисса кўшмасак ҳам она табиатга катта ёрдам қилган бўламиш-ку!

Мутасаддилар ҳам ахлат ташлайдиган кутиларни кўпайтириши ва шундайларга жиддий чора кўришни ўйлаб кўрар, балки. Менимча, энг аввало экотарбия ва экомаданиятни боғча ва мактабдан

бошлаш керакдир. Балки, йиллар ўтиб шундагина натижа бўлар.

Гўзаллик дунёни қутқаради, дейишади. Дунёга ўша гўзалликни бериш ҳар биримизнинг бурчимиз. Турмуш тарзимиздаги майдагина нарсаларни изга сола бошласақ, ишонаверингки, кун келиб, албатта натижасини беради.

Ва матбуот ҳам ризқини териб, полапонлари олдида шодон учётган қушларнинг расмини чикаради.

Зикрилла МАМАТОВ

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН

фойдаланиш самарадорлиги янада ошади

Бугун дунёда кечайётган глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ўсиши ва иқтисодиёт тармоқларининг кенгайиши сувга бўлган талабнинг ортиб боришига, сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб боришига сабаб бўлмоқда.

Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги обьектларини модернизация қилиш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “Қуий бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур қарор билан туман (Кувасой шаҳар) ирригация бўлимлари ҳамда маҳсус хизматлари негизида “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари ташкил этилди. Мазкур муассасалар мамлакатда сувдан самарали фойдаланиш, сув хизматларини кўрсатиш бўйича барча зарур техник воситалар билан таъминланиши ўз аксини топган. Бу эса сувориш тармоқларига хизмат кўрсатиш ишларини икки баробар арzonлаштиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича ривожланган хорижий давлатлар жумладан, Турция, Хитой, Австралия, АҚШ ва бошқа давлатларнинг илгор тажрибаларини жойларга бориб ўрганган холда юргимизда томчилатиб, ёмғирлатиб ва дискрем каби усувларда сувориш, шунингдек, ерларни лазер ускунали ер текислагичлар билан текислаш технологияларини жорий қилишни устувор вазифа сифатида бажарилиб келинмоқда.

2018 йилгача республика бўйича сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонлар 28 минг гектарни ташкил қилган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 1,2 млн гектарга ёки суворида диган ер майдонларига нисбатан 28 фоизга етди.

Эндиликда, барча сувориш тармоқлари 2024 йил 1 июлга қадар хатловдан ўтказилиб, уларнинг тегишилиги бўйича балансга берилиши ва кадастр хужжатлари расмийлаштирилиши, шунингдек, рақамли технологиялар асосида ҳар бир сувориш тармоғини классификациялаш ва идентификациялаш ишлари кўзда тутилмоқда.

Маълумки, жорий йилдан далага етказилган 1 м3 сув учун солиқ ставкаси 100 сўм этиб белгиланди ва барча тармоқлarda сув солиги ставкалари аниқ белгилаб қўйилди. Жумладан, 2025 йилдан бошлаб далада сувни тежайдиган сувориш технологиялари жорий қилинганда ҳамда сувориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиги ставкасига 0,5 камайтиручи коэффициент кўлланилиши белгиланди.

Сувни тежайдиган сувориш технологиялари жорий қилинганда ёки сувориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиги ставкасига 0,7 камайтиручи коэффициент кўлланилиши белгиланди.

Шу билан бирга, балиқчилик учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиги ставкасига 0,7 камайтиручи коэффициент кўлланилиши белгиланди. Аксинча холатларда эса сувни тежайдиган сувориш технологиялари жорий қилинмаганда ҳамда сувориш учун олин-



ган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланмаганда сув солиги ставкасига 1,5 ошируви коэффициент кўлланилади.

Бундан ташқари, қарор билан сув тежовчи технологияларнинг жозибадорлигини ошириш учун имтиёзли кредит тизими жорий қилинмоқда. Жумладан «suvkredit.uz» платформаси орқали 5 йил муддатга, шундан 2 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 14 фоиз ставкада кредитлар ажратилади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида сувни тежайдиган сувориш технологияларини жорий қилиш бўйича лойиҳаларга тижорат банклари томонидан миллий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаси 10 фоиздан ошадиган қисми Давлат бюджетидан қоплаб берилади.

Сувни тежайдиган сувориш технологияларини жорий этиш бўйича ҳаражатларнинг бир қисми қоплаш учун субсидиялар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига ушбу технологиялар жорий қилинган йилнинг ўзида тўлиқ микдорда ажратилади.

Эндиликда, сувни тежайдиган сувориш технологиялари учун кредит расмийлаштириш жараёнининг шаффоғлиги, яъни барча босқичларни онлайн кузатиб бориши имконияти яратилади. Бунда кредитлар асосида жорий қилинадиган сувни тежайдиган сувориш технологиялари факат ишчи лойиҳалар асосида қурилиши белгиланди.

Таъкидлаш жоиз, худудларда аҳоли билан учрашувларимиз давомида сувни тежайдиган сувориш технологияларини жорий этишда сервис хизматлари мавжуд эмаслиги бўйича кўплаб масалалар кўтаришади. Мазкур қарорда пуррат ташкилотлар томонидан ҳар бир лойиҳа бўйича камида 2 йиллик кафолат муддати берилиши ҳамда 5 йил давомида сервис хизматлари кўрсатилиши алоҳида белгиланди. Аҳамиятлиси, кредит олувчилар томонидан пуррат ташкилотларнинг фаолиятини баҳолаб бориши ҳамда рейтинг тизими юритилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Умуман олганда, белгиланган вазифалар ижроси аграр соҳани кафолатланган ва баркарор сув билан таъминлашга, минтақанинг экологик хавфизлигини саклашга хизмат қиласи.

Равшанбек БЕГМАТОВ,
Олий Мажлис Конунчилик палатаси
депутати

Мақом санъатининг иирик намоёндаларидан бири, кўплаб мумтоз қўшиқлар соҳиби, бир қанча шогирдларнинг устози, Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи Ўқтам Аҳмедов билан сұхбат.

БИЗДАН ФАҚАТ ЯХШИЛИК ҚОЛАДИ

– Ўқтам ака, истаймизми йўқми, истеъоддининг аввали оиласдан, сайқали устадан, яъни устоздандир. Ҳаваскорликдан Ҳалқ ҳофизигача бўлган йўлларнингизга бир назар солсак?

– Онам айтарди, 3-4 ёшимда Фахриддин Умаров, Шерали Жўраев каби таникли ҳофизлар оинаи жаҳонга чиқса, ҳаммадан олдинга ўтиб, кимирламай тингларканман. Ўзимниям эсимда, улар куйлаётганда ёритгичдан тушган нурда чалиб турган торларнинг сими ялтираб, товланиб кетиб, кўзимни оларди. Шундай созим бўлсада, чалсам, мен ҳам улардек торни чалиб, куйласам, ҳалқ ҳофизи бўлсан, деб орзу қилардим. Бахшиларнинг узундан узун достонларини эринмай тинглаб, хотирамга муҳрлардим.

Отам шоғёр, онам тўкувчи бўлган. Уйимизда акамнинг рубоби бўларди. Махалладошлар кечки пайт гузарга йигилардик. Кимда қандай чолғу асбоби бўлса кўтариб чиқар, мен рубоб билан чиқардим. Ўзимизча ансамбл тушиб, турли қўшиқлар куйлардик. Кичкиналигимдаёқ магнитофондан, махалладошларимдан эшитганларимни тез ёдлаб олардим. Уларни баъзан аслича, баъзан ўзгартириб куйлаб юрардим.

7 ёшлигимда махалладошимиз Сайджон ака уйланди. Никоҳ тўйида қўшиқ айтиб беришимни сўрашди. Ҳофизлар торини беришмади, ёш бола-ку, чалолмайди, кўлидан тушиб кетади, деб. “Тушиб кетса, заарини тўлайман”, деди дадам. Ҳақиқатан ҳам тор катта ва оғирлигидан сирпаниб, тушиб кетаверди. Шунда бир киши уни куйидан ушлаб турди, мен чалиб, 20 дақиқалик “Кийикнома”ни айтдим. Нафакат тор, ғижжак, аккардион, рубоб, пианичалардим, мустакил ўрганганман. Мактабнинг барча тадбирларида фаол эдим, буларни кузатган синф раҳбаримиз мусиқа устозимиз Нўмонжон Мавлоновга иқтидорим ҳакида айтган, иложи бўлса бефарқ бўлмаслигини тайинлаган экан.

10 ёшларда эдим, амаким яп-янги тор сотиб олганини эшитиб, югуриб кўргани бордим, чалиб кўрдим, жуда ҳавасим келди. Келиб, дадамга йиглайдим, менга ҳам тор олиб беринг деб. У пайтлар чолғулар дўкони ҳамма жойда бўлмасди. Эртаси куни дадам онамга: “Буни кийинтириб бер” деди. Ялт этиб қарадим. Ўшанда дадам Бухорага автобус ҳайдарди, мениям етаклади. Манзилгача зўрга чидадим. Катта универмагга кирдик. Торни кўрибок: “Мана, мана дада!” деб қичқирдим севинчим ичимга сифмай. Сотувчи медиатор билан бирга торни тутказди. Симларини тезда тўғрилаб олдим.

– Қани, битта бўлсин-чи? – деди дадам.

– Эй нурли Ватан ўзх баҳор ёзларинг бор,
Ёзингда пишар неъмати
кўп созларинг бор...

Ортиқ Отажоновнинг шу қўшиғини баланд овозда куйладим. Ҳамма қарсак чалди. Отам: “Ҳалолладинг ўғлим, олиб бераман” дея совға қилди. Шаҳрисабзга қайтгунча тор чалиб, куйлаб келганман. Ишонасизми, унгача тушларимда шу асбоб кириб чиқарди. Эришгач, тўйиб хидлардим, ёнимда олиб ётардим. Шу алфозда ухлаб қоларканман, онам секингина олиб кўяр экан.

Энди тинмасдим, кечаю кундуз ҳаёлим санъатда бўларди. Ўша кезларда илк бор Қирғизистонда ёшлар санъат анжуманида иштирок этиб, биринчи ўринни олдиму янам руҳландим. Мактаблараро мусиқа байрамларининг фаоли эдим. Шаҳрисабз шаҳар ҳалқ театри раҳбари Элмурод Боймуродов мени таниб қолган, кўллаб турарди. Ўсмирлик даври бошланиб, овозим ўзгара бошлагач, қўшиқ айтмай туришимни маслаҳат берди. Ҳар бир ишда ҳикмат борда. Бу менга доирачиликда ҳам маҳоратимни орттиришимга, кўп қўшиқларни ёдлаб олишимга шароит яратди. Машҳур ҳофизларни ҳам хотираси панд берганда ёнида доирачиси эслатиб турган қўшиқларини, чунки у ёнида бўлиб яхши ёдлаб олади. Отажон Худойшукуров, Раҳматжон Курбонов ҳам “Доира усулларини билмаган ҳофиз ҳофиз эмас, ўйқса у мумтоз қўшиқларини куйлашда кийинчиликларга дуч келади” деб айтишган. Танбурда, дугорда, сатода беназир созанда Турғун Алиматовнинг ҳам магнит тасмаларини тинглардим. Кўп эшитилган нолалар эсда яхши қолади ва ижро вақтида юрак орқали танбурга кўчади.

Қарши маданият техникумини битириб келиб, Шаҳрисабз маданият уйида ишладим. Ўз устимда янада ишлай бошладим. Қўқонлик Расулқори Мамадалиев ғойибона устозим. Ашулалари ёзилган магнит тасмалари кўлимга 25 ёшимда тушиб қолиб, йўлларига жуда қизиқдим, ҳавас килиб кўп қўшиқларини ижро этдим, танбур нолаларини маромига келтириш илмини ўзлаштирудим. Биринчи ўрганганим – “Бозирғоний”, “На қилдим”, “Оҳқим” бўлған. Ҳизматларда айтсам, кексалар келиб: “Расулқорининг ўғлимисан?” деб сўрашарди. Бундан жуда курсанд бўлардим.

Яна Шерали Жўраевни ўзимга устоз қилиб олдим, сўзларни дона-дона қилиб етказишидан ибратландим. У киши фойдаланадиган чолғуларни сотиб олиб, қўшиқларини ўхшатиб ишладим. Фахриддин Умаров, Фуломжон Ёкубовнинг қўшиқларини айтиб юриб, танилдим. Танбурни ҳам маромида чалардим.

– Мақомчилар ансамблига йўлингиз қандай туташди?

– Дарғалар билан учрашув бахти – 1996 йилни шундай эслайман. Ўша йили устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Эл-юрт хурмати” ҳамда “Фидокорона хизматлари учун” орденлари соҳиби, миллий мақом устаси Элмурод Боймуродов Тошкентда “Олтин мерос” мақомчилар танлови бўлаётгани, унда қатнашишимни айтди. Танбуримни кўтариб келдим. 40 га якин иштирокчи тўпланган, оинаи жаҳон орқали аллақачон танилган санъаткорлар ҳам бор. Ҳаяжон босади. Навбатим келди, кирсам, ўзим ҳавас килган буюк ҳофизлар ўтиришибди хайъатда! Орифхон Хотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, радиокўмита бадиий жамоалари директорияси бошлиғи Бозорбой Сафаров, бастакорлар Баҳрулло Лутфуллаев, Қаҳрамон Комилов, хуллас дарғалар ҳаммаси шу ерда!

– Қани ўғлим, бизга нимани айтиб берасиз?

– “Оҳқим”ни, Фурқат ғазали Расулқори Мамадалиев мусиқаси, – дедим.

– “Оҳқим” Расулқори Мамадалиев мусиқасими?

– Ҳа.

– Сизга ким айтди буни?

– Шу кишининг кассеталаридан ўрганганим.

– Яхшилаб қулогингизга қуйиб олинг, – деди Орифхон Хотамов, – у Имомжон Икромов мусиқаси. Тўғри, Расулқори ҳам жуда чиройли ижро этган. Сиз у кишини йўлидан ўргандингизми?

– Ҳа

– Қани эшитайлик-чи?

Танбурни олиб бошладим:

– Оҳқим ҳамдард ўйқ, дард ошкор айлай десам.., – Расулқори ака қандай айтган бўлса, шундай айтиб, танбурни ўшандай чалиб, охирига еказдим.

Улар бир-бирларига қараб олишди.

Фаттоҳхон ака ўрнидан турди, юрагим така-пука. Бор вужудим қулоққа айланган.

– Бу ўғлимиз яхши ижро этди, нолаларини жой-жойига кўйди, танбурни ўшандай чалиб, охирига еказдим.

Кулишди. Орифхон ака:

– Фаттоҳхон, ўзингиз ҳам эслаб кўринг, бу йигитни кўриб, ёшлигим эсимга тушди, биз ҳам Маъмуржон ака, Жўрахон акага эргашиб ашулачи бўлганмиз. Улардек бўлишни истаб, нолаларини ўхшатганимиз, кейин мана, ўз йўлимиз, ўналишимизни топиб, ўз овозимиз билан Орифхон, Фаттоҳ-



хон бўлдик. Ҳозиргача эшитганларим орасида шу йигитнинг ижроси энг яхшиси бўлиб турибди. Қани, иккинчи ҳам айтсан-чи? Ҳўш, энди нимани айтасан?

– “На қилдим”, Ҳувайдо ғазали, Расулқори Мамадалиев мусиқаси.

Орифхон ака яна ўрнидан турди:

– Маъруфхўжа Баҳодиров деган ҳофизни эшитганмисан?

Йўқ, – дедим. Рости эшитмаганман.

– Унда билиб ўйқ, “На қилдим”нинг мусиқаси Маъруфхўжаники! Буни мен ҳам, Маҳмуд Тожибоев ҳам, хуллас кўпчилик айтган. Майли, сендан ҳам эшитайлик-чи?

– На қилдим санга ман ёrim, жамолингдин-ей жудо қилдинг., – деди бошлаб, кезида авжларига чикиб, пирранг (анъанавий ижрочиликда кўпроқ қўлланиладиган зарблардан. У бирин-кетин чалинадиган тўртта З зарбнинг бирикмасидан иборат. Айниқса, танбурда тўлароқ намоён бўлади) қилдим. Яна бир-бирларига қараб, хайратларини билдиришди.

– “Балли болам, раҳмат санга! – деди Орифхон ака чикишимга рухсат берди.

Натижани эртага эълон қилишаркан. Меҳмонхонага келдим. Вақт ўтмайди, тонг отмайди. Эрталабга зўрга етиб, юрагим гупиллаб бордим ўша жойга. Не кўз билан кўрай-ки, рўйхатнинг биринчисида менинг исми-шарифим турибди!

Голибларни ичкарига таклиф қилишди, табриклишди. Голибларнинг ижролари “Олтин мерос” руникида телевидение орқали узатиларкан. Кеча куйлаганларимизни “Мақомчилар” ансамбли чолғулари садоси остида қайта куйладик, лавҳага олишди.

Кетаётсам бадиий жамоалар директориясини бошлиғи Бозорбой ака (Аллоҳ, раҳмат қилсан) мени чакираётганини айтишди. Ёнларига келдим.

– Ўғлим, мақом ансамблида ишлаши хоҳламайсанми? – деди у киши.

– Раҳмат, аммо менинг имкониятим йўқ, – дедим. – Сабаби Шаҳрисабзда тўйларим кўп, уларни ўтказишиб керак (аслида онамнинг тоблари йўқ эди, уларга қарашим лозим эди).

– Қанака боласан ахир, бераётган жавобингни қара! Ансамблга жойлашиши учун санъаткорлар 5 йилдан бери навбат кутиб турибди. Сен бўлса тўй-

ни ўйлайсан а?! Юр бу ёққа! Йўқ деб, кетворсанг, тегишли одамларга айтаман, оёғингни ерга теккизмай олиб келишиади.

Эргашдим. Ансамблига олиб бориб, ўртага ўтиргизиб кўйди. Рўпарамда яна бир қанча машхурлар – Матлуба, Махбуба опалар, Эсон ака, Махмуд Йўлдошев, Тожибоев, Исройл Ваҳобов (ансамбл раҳбари) жам.

Мени кўрсатиб:

– Бу йигит “Олтин мерос” голиби бўлди. “Мақом”да ишлагин десам, “Йўқ, Шахрисабзда тўйим бор” деб, рад этяпти. Тўй бўлса, шу ердаям то-пилаверади. Бир эшитиб, баҳо берасизлар.

Сўнг менга хўмрайиб буйруқ берди: – “Оҳқим”ни айтиб бер!

Жамоага буриларкан:

– Бунинг танбур чалишига ҳам эътибор беринглар, – деди.

Ижромни бошладим, авжида ҳамма қийкиришди, мен эса руҳланиб, янам очиляпман. Хуллас, муваффақиятли бўлди.

Махмуджон Тожибоев туриб:

– Бу йигит Расулкори акани ўзи-дек ижро қилди, – дея гап бошлади. – Мақомдан нима билар эканлар?

– Э, буёғи расво бўлди-ку, – дей-ман ичимда. Шундай бўлса-да, устозларимдан ўргангандаримни эсладим: “Самарқанд ушшоғи”, “Кўқон уш-шоғи”, “Бухоро ироғи”.., “Чапандози Гулёр”...

– “Чапандози Гулёр”ни айтсин-лар-чи?

Бу жуда катта ва қийин асар, “Буз-рук” мақомнинг шӯбаси. Рости, куйлаш осонмас. Ноилож, танбурда ижро этдим.

Яқунлашим билан Махмуджон То-жибоев:

– Гап йўқ, келиб сафимизга қўшил-син, – деди.

Шу куни Бузрук мақомидан “Талқи-ни уззол”ни ҳам айтдим. У ҳам маъкул келди. Ҳамма бир овоздан қолишимни маъкуллашди. Хуллас, розилигимиз “Мақомчилар”га қабул қилиндим. Ан-самблнинг ёзги таътилидан сўнг келиб ишлашим, турар жой, рўйхатга олиш ишлари ҳаммасини расмийлаштиришини айтишиди.

Қишлоғимга, онажонимни ёнларига келдим. Хотиржамман, севимли ишим билан бандман. Айтилган вакт ўтиб кетди. Бир тўйда хизмат қилиб ўти-сам, уч-тўрт санъаткор, ҳамортимиз Фарход Рўзиев (у киши ўшандан телерадиокомпанияда масъул лавозимда ишларди) билан Бозорбой ака кириб келди.

Ўлдим, дедим. Кутганимдек бўлди, сал ўтмай мени чакиришиди.

Бозорбой ака Фарҳод акага қараб:

– Бу мени алдаб кетди, унга тушун-тириб қўйинг, ансамблга ҳаммани ҳам тақлиф килавермаймиз!

Вазиятни онамга айтдим, боргин, деди. Оилада 5 ўғил, 5 қыз бўлсақда, волидам негадир мени кўпроқ яхши кўрарди. Армияга кетганимдаям то-блари қочган, Тошкентга кетганимда-ям, хуллас узоқлашсам ахволлари оғирлашарди. Шу боис кетишини иста-масдим. Кўнглим бўлмади, яна ярим йил қолдим. Ахийри Фарҳод ака орқа-ли қачиришди. Оилам (икки фарзандли эдим)ни вақтинча қолдириб, ансамбл-

да иш бошладим. Кўп йиллар бу ер-даги устозлардан қимматли сабоқлар олдим, кўп ашулалар ижро қилдим. Бу даврда Бозорбой аканинг турткиси билан Ўзбекистон давлат санъат ва мада-ният институтида таҳсил олдим. Кун-дан кунга ўсим. Устозларим ишончи ва меҳнатларим бесамар кетмади, хул-лас 7 бора санъат саройларида концерт дастуримни халқимизга тақдим этдим. 2001 йили Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, 2013 йили Ўзбекистон халқ ҳофизи унвонига му-носиб кўрилдим.

– Кўнглингиздаги қўшиқларни ижро қилишга улгурдингизми?

– Асло! Жами ашулаларим 100 га етди, айтотмаганларим ундан кўп. Чунки инсон улғайгани сари унинг тажрибаси, дарди, мулоҳазалари янада ортиб боради.

Бир қанчасига ўзим куй басталаб, ижро қилдим. Муаллифлик қўшиқларим 40 га якин, “Ибодаттур” (Мирза Кенжабек), “Имонига ҳавола”, “Кек-салар” (Пўлат Мўмин), “Аввало инсон бўл” (Чустий), “Ўтаро”, “Дам бу дам-дур” (Аҳмад Яссавий) шулар жумла-сидан.

– “Онажоним ҳаёт бўлса” ашу-лангиз энг кўп эшитилган ашула-ларингиздан...

– Онамни ҳар хафта Шахрисабзга бориб, кўриб келардим. Бетоб ётган жойларидаям “Овора бўлиб келавер-магин, ишингни қил” деб койирди. Касаллик устун келди, 1998 йили айни қиши чилласида оламдан ўтди. Ҳозир армон қиласманки, нега ҳеч бўлмаса охирги пайтлар ёнларида бўлмадим. Иш, пул топиларди-ку, деб хуноб бўла-ман.

Йилдан йилга онамнинг соғинчи ва азобларим баттар ортиб юрган кунла-римда устозим Абдуҳошим Исмоилов бир кассета бериб машина магнитофонига солишимни айтди. Пианино ча-либ, ёзилган хомаки қўшик:

Армонларда қолмас эдим, кошки бағрим қайтиб тўлса,

Хизматида толмас эдим онажоним ҳаёт бўлса.. (Бобур Бобомурод шеъри, Абдуҳошим Исмоилов мусиқаси).

Адо бўлдим, дардим тошди. Шу қўшиқни менга беришларини сўрадим. Ўзи сизга бermоқчи эдим, деб кассе-тани ҳадя қилди. Шу-шу уни айтганда қўшик эмас, дардимни тўкаман...

– Шогирди йўқ ҳофиз мевасиз дараҳт қабидир. Албатта, бу “тъ-риф” сизга тегишли эмас.

– Яхшиларнинг кўллови билан шу поғонага келдим. Вақtingизни олаёт-ганим нокулай бўлса-да, босиб ўтган-ларимни бирма-бир айтганим бежиз эмас. Устозларимнинг аксарияти чин дунёга рихлат қилишди. Яхшиликла-рини уларга ўз вақтида қайтаролма-гандирман, лекин бир имконим бор, кейинги авлодга – шогирдларимга қайтаришм керак. Биздан, санъатдан факат яхшилик, инсонийлик, намуна қолади. Ашулаларингда эзгу ғояларни тараннум этсангу уни ҳаётингга жор-рий қилмасанг, бундай санъатнинг ке-раги йўқ! У юзакиликдан бошқа нарса эмас.

Менинг йўналишимда ижро қилаёт-ган суюкли шогирдларим – Ҳасан-Ху-сан Нурбобоевлар, Асрор Олимжонов,

Камолиддин Бобохўжаев, Аслиддин Каримовнинг танбурда, мақомчиликда муносиб ўринда эканини кўриб, кўзим қувнайди. Менга жудаям ўхша-тиб куйлашади. Бундан фақат хурсанд бўламан.

– Ич-ичингиздан севиб, кўп бор ижро этадиган қўшиғингиз?

– “Даромади ушшоқ” (Пирим Қори мухаммаси)! У инсонни тафаккур, му-лоҳаза, босиқликка чорлайди. Сўзи билан бирга куйи ҳам гапиради унинг, сокин этади эшитганни.

– Ижод йўлингиз мақомчилик-нинг айнан қайси мактабига хос?

– Ҳожи Абдулазиз Абдурасолов йў-лидаман. У киши 1852-1936-йилларда Самарқандда яшаб, ижод қилган та-никли бастакор, ўзбек мақом санъа-ти ривожига бекиёс ҳисса қўшган бетакор овоз сохиби. “Гулузорим”, “Гуллар боғи”, “Бебокча” “Бозурго-ний”, “Самарқанд ушшоғи” каби юз-лаб қўшиқлари ўзбек мумтоз мусиқа меросининг энг ноёб асарлари қатори-дан жой олган.

Шашмақомни ўрганиш ва кенг тарғиб этишда хизматлари катта бўл-ган. Самарқанд мақом йўллари, соз чалиш ва ашула айтиш бўйича кўплаб ёшларга устозлик қилган, ўз санъати-ни ўргатган. Ўзбекистон халқ артисти Юнус Ражабий ҳам унинг Самарқанд-даги хонадонида яшаб, ҳофиздан са-бок олган. Ҳозирда у киши яшаган ушбу макон уй-музейга айлантирил-ган. Мухлисларимнинг кўпчилиги самарқандлик экани ҳам шундан. У кишининг ижод йўлларини баҳоли курдат давом эттириш, шу мактабни ривожлантириш орзумим.

– Ҳаётда яхшилар кўпми, ёмон-ларми?

– Яхшилар! Бугунги ҳикояларим сў-зимнинг исботидир.

2007 йили “Туркистон”да икки кун-лик концертга 2 кун қолганда ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Биринчи кунни амаллаб ўтказдим, сўзларни эслашим кийин бўлди. Кейинги кунга кучим етмайди, деб туриб олдим. Таш-килотчилар кўнишмади, ўтказдим. Уйга келиб ётганимча 6 ой туролмадим. Шундай пайтда ҳам яхшилар ке-либ, далда бўлишди. Соғайиб кетдим.

2008 йили вилоятимга рафиқам би-лан машинада кетаётib, автоҳалокатга учраб, “Тахтикорача” довонида тоғдан учуб кетдик. Ўзимга келсан касалхонадаман. Дўхтилар Худонинг мўжи-заси билан тирик қолибсизлар, йўқса парчангиз ҳам топилмасди, деб бизни кўнглимишни кўтаришди. Ундаим яна яхшилар кўмак қилди. Ойлаб ётдим. Бироз ўнгланганимдан сўнг улар “Сиз бизга, ўзбек санъатига, мақомчилик-ка керак” деб ўз хисобларидан ав-вал Германияга даволанишга, ундан сўнг Европанинг бошқа давлатларига саёхатга, дам олиб, ўзимга келишим учун юборишди. Айтинг, буни унупиб бўладими, ундейларсан санокда кўпми ё камми билмадим, аммо яхшиликнинг кучи катта, қаноти кенг, у тўғридан тўғри қалбга, юракка қувват бўлади.

– Мухлисларнинг эъзози, олқи-шидан ортиқ баҳт бўлмаса керак ҳофиз учун?

– Ҳақсиз, уларсиз ҳофизга кийин.

Руҳий мададсиз у роҳат ололмайди, жўшолмайди. Қўшиқларинг томо-шабинни тўлқинлантиргани, дардига малҳам бўлаётганини кўриб турсанг, руҳиятинг, овозинг янам очилиб ке-тади. Тингловчиси бўлмаган ҳофиз ҳофиз эмас.

Шундай ҳолатлар бўладики, уларни айрича завқ билан хотирлайсан. 15 йил мукаддам бир акамиз оиласи-даги қувончли кунга хизматга чакириди. Тадбирдан сўнг:

– Қўлингиздагини номи нима? – деб сўради унинг жияни ёнимга ке-либ, у ҳозирда Испанияда яшар экан.

– Ноҳун (чертма чолғуни чалишда фойдаланиладиган металл буюм).

– 3-4 кунга бериб турасизми?

– Бемалол.

Бир ҳафта ўтгач мени яна чакириди. Борсам ўзимнига қўшиб, олтин ноҳун ҳадя қилди. “Жияним ашаддий муҳлисингиз, ундан совға”, деди. Ўшандан бери шу ноҳундан фойдаланаман, қўлимга олишим билан ўша меҳр ва қадр қайта тикланиб, вужу-димга илиқлик югурди, бармоқла-римга сехр киради. Гап унинг олтин ё кумушлигида эмас, у мақомни се-виб тинглайдиганларнинг ҳали бор-лигиди! Елканга ортганинг ёқимли ва заҳматли ижоддан асло тўхтамас-лигинг кераклигига бир ундов, рағ-бат эканида!

– Шогирдларингиз ёки бирор санъаткор қўшиқ ва куйларин-гизни ўзгартириб ижро қилса-лар ранжирмидингиз?

– Бу борада устозларимиз кенг феълликлари билан бизга намуна бўлгандар. Раҳматли Орифхон Ҳота-мов жуда зукко киши эди. Бир кон-цертда у киши куй басталаб, ижро этган “Қоши ёсинму дейин” (Навоий газали)ни айтар эканман, шавқим жў-шиб, беихтиёр мусиқага ўзгартириш киритиб қўйдим – танбурда пирранг чалдим (бу томошабинлар олқишига ҳам сазовор бўлди). Кейин бу ишими-дан хижолат бўла бошладим. Бир куни дарсга келганларида ўзларига билдириб, узримни сўрадим. Ҳафа бўлиш ўрнига: “Майли болам, нима бўлиби, ўша ашула менини экани-ни ҳамма билади, илҳоминг келиб бир ўзгариш қилсанг қилибсан-да! Бир қўшиқ яратиш – бир уй бино қи-лиш билан баробар. Сен мен курган уйга гулли бир bezak solibsan” деб тақдирладилар. Ижодхонамга келиб, худди шу ўйсинда қўшиқни ёздим. Барibir бошқалар бунга қарши бў-лишди, ўчириб ташланг, дейишиди. Шундай қаршиликка устознинг ўзи гувоҳ бўлиб қолди ва ҳаммага ўша менга айтганинг айтиб, меҳри-бонлик қилдилар. Тўғри, аслида ким-нингдир ашуласини айтмоқчи ёки бироз ўзгартирмоқчи бўлсак, муал-лиф олдидан ўтиб қўйилса, розилиги олинса чиройли иш бўлади. Муҳи-ми шундаки, санъатнинг бу оламига ҳамма ҳадам ташламайди. Шундай экан, мақомчиликни сақлаб қолиш, келгуси авлодга етказиш учун ёшларни силташ эмас, қўллаш керак.

– Мазмунли сұхбатингиз учун ташаккур!

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА
сұхбатлашди.

Кишан кийма, бўйин эгма

бир фикр замиридаги империяпарастлик талвасаси

Империяпарастлик талвасаси яна турли кўринишларда намоён бўла бошлади. “Йўқуллар дохийси” Ленин вафотининг 100 йиллиги муносабати билан Россиянинг НТВ каналида уюштирилган “ток-шоу”да россиялик “тариҳчи” Михаил Смолин 1917 йилга қадар ўзбеклар, қозоқлар ва озарбайжонлар миллат сифатида мавжуд бўлмаган, инқилобдан кейингина улар СССР номи билан пайдо бўлган, деган ниҳоятда ахмоқона сафсатани ўргатга ташлади. Бу бир шахснинг фикрими ёки рус шовинизмининг асл башарасими?

Гарчи маданиятсизларча ва калтабинларча бўлса-да, шовинизмининг асосий башарасини кўрсатувчи ушбу «сиёсий қараш» истибод кишанларини парчалаб, неча минг йиллик ўз миллий давлатчилигини қайтадан тиклаган элу юртларни мана шундай олчоқ ғоялари билан руҳан чўқтиришга уринишdir. Акс ҳолда уларга бундай медиа имконият яратиб берилмаган бўларди.

Икки дарё – Аму билан Сир ўртаси – буюк Мовароуннарда мавжуд бўлган кучли давлатчилик, тараккиёт нафақат Марказий Осиёга, балки бутун дунё тамаддунига ўзининг прогрессив таъсирини ўтказганини бу “тариҳчи” билмайдими? Ўзбек миллий давлатчилигини уч ярим минг йиллик тарихга эгалигидан бехабарми? Қадимги Турк хоконликларидан бошлаб Амир Темур ва Темурийлар давригача бўлган улуғ

замонлардан бехабарми? Айтгани миздек, «ўзбек кеча пайдо бўлган», деб томоқ йиртаётган «тариҳчи» ҳакконий тарихни жуда яхши билади. Лекин унинг шовинизм билан “Эмланган тафаккури” азалдан буюк давлат, буюк тарих, буюк маданият яратган халқнинг кимлигиги тан олгиси келмайди.

Турон, Туркистон эли азалдан бағрикенг, жўмардликни ўзига касб қилиб олган, ҳамиша энг юксак мақсадларни кўзлаган оққўнгил халқ бўлган. Ал Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Имом Бухорий, Мирзо Улугбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Маҳтумқули, Абай, Тўхтағул каби улуғ зотлар ўз ижоди, фалсафий, илмий-руҳоний асарлари билан нафақат икки дарё оралиғидаги халқларни, балки бу-

тун башарият фарзандларини доимо меҳр-оқибатли, дўст-биродар бўлиб яшашга даъват этиб келган.

Боболаримиз неча асрлар мобайнода мінтақада аҳил, баҳамжиҳат бўлиб, буюк қадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бугун ҳам, таъbir жоиз бўлса, тарих ва ҳаёт гардиши, табиатнинг ўзи бизни – бутун Марказий Осиё халқларини айнан ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳаёт кечиришга даъват этмоқда. Бу – тарихий воқелик! Минг афсуски, мана шундай тарихий ҳақиқатни англамайдиган Михаил Смолинга ўхшаганлар бундай қарашлари билан бир бутун халқларни ҳақорат қўлмоқда. Бу кечирилмайдиган ва шунчаки “алаҳисиран” деб қараб бўлмайдиган ҳолдир!

Бугун шовинистик пропаганда юзидаги никобни йиртиб, ўзининг ҳақиқий башарасини намойиш қиласи экан, уларнинг хатти-ҳаракатида фашизмнинг «қўланса хиди» анқийди... Афсуски, шовинистларнинг жиноий ҳаракатлари ўзларининг жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватланаётгани

ўта аянчлидир. Аслида, Михаил Смолин ва унга ўхшаш «сиёсадон»ларнинг оғзида айланётган «тил» қора ният эгасининг тилидир.

«СССР» деб номланган, аллақачон тарих ахлатхонасига итқитилган империяни тирилтириш – амалга ошириб бўлмайдиган хом-хаёлдан бошқа нарса эмас. Тарихдан яхши биламиз: фақат олчоқлик ва зўравонлик билан кун кўрган бу «империя» зулук сингари бошқа халқларнинг меҳнати орқали «яшаб» келган. Бугун прилепинлар, смолинлар яна ўша «совет»нинг истибод асосига қурилган тузумини қўмсаб айоҳаннос солишмоқда.

Жамияти мизни бундай хуружалардан, заҳарли ғоялардан саклаш учун мамлакатимиздаги хорижий давлатлар пропагандасига хизмат қилаётган барча радио-төлведение каналлари ҳамда интернетдаги сайтларини зудлик билан чеклаш масласини кўриб чикишни вазиятнинг ўзи тақозо этаётir.

Минҳожиддин МИРЗО,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази раҳбари

Меҳмони йўқ музей

сканига муҳлисларни жалб этишда оқсаяпти.

Музей учун шунча маблағ сарфланди, қўли гул усталар тер тўкиб меҳнат қилишди. Аммо... музейга ташриф буюрувчиларни жалб этиш ишлари ўлда-жўлда. Музей раҳбари ҳам адабиётшунос ёки мутахассис эмас экан. Менимча, Шароф Рашидов номидаги СамДУ, ёзувчilar уюшмаси вилоят бўлими, Республика маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоийномидаги ўзбек тили ва адабиёти университети ва бошқа мутасадди ташкилотлар ушбу музейга ижодий экспедиция уюштириш ташаббуси билан чиқишиса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Наҳотки замондошларимиз, юртдошларимиз вақт топиб, арзимаган пулга билет олиб, музейни бориб кўриш истаги билан ёнмаса. Ҳали биз мамлакат жамоатчилиги тўғрисида гапираймиз. Ваҳоланки, Қўшработ ва Нуротанинг ўзида яшаб ушбу музейни кўрмаган одамлар қанча, дейсиз?

Буюк бахши босиб ўтган йўл ибратли. Кўргон достончилик мактаби тарихи эса сирли, боболаримиз қолдирган бой маънавий мерос абадий миллатимиз қалбига сеҳр олиб кираверади.

Умуман, айни вақтда фольклор билан боғлиқ илмий тадқиқотларимиздан кўнглим тўлмайди. Бутун бошли мамлакатимизда саноқли фольклоршунос бор. Очиркоқ айтганда, Туркий тилли мамлакатлар руҳан яқинлашаётган бугунги кунда, бахши боболаримиз қолдирган маънавий

мероснинг аҳамиятини наҳотки ҳис қилмаймиз? Шунингдек, боболаримиздан қолган ижодий фольклор достонларини чет тилларга ўгириб, жаҳонга олиб чиқадиган таржимонларимиз йўқ хисоби...

Мен мақолани ёзиш жараёнида, Эргаш Жуманбулбул ўғли ижодини қоғозга туширишга катта хисса кўшган Ҳоди Зариф, Музайяна Алавия, яқинда орамиздан кетган Тўра Мирзаев ҳамда бошқа олимларнинг изланишларини ўқиб чиқдим ва ҳайратландим. Бу каби ижод маҳсуллари бизга ҳамиша кераклигини тушундим.

Эргаш Жуманбулбул асарларининг ўзбекча бир неча томликлари ва рус тилидаги вариантиларини тайёрлаган олимларга 1970 йилларда Давлат мукофоти берилган экан. Эргаш Жуманбулбул ўғли шажарасини ҳам кўпчилик яхши билмайди. Таникли олим Шомирза Турдимов, яқинда орамиздан кетганベンазир инсон, шоир Абдусаид Нурбоев, шоир Алишер Нур, баҳшининг ҳақиқий авлод давомчилари бўлади.

Кўргон томонларга йўлингиз тушса, буюк боғимиз музейига ташриф буюринг ва бу масканни барпо этган инсонлар ҳаққига дуо қилинг. Ўзбек фольклорида мактаб яратиб, ҳалқига руҳ, катта маънавий куч берган Эргаш Жуманбулбул ўғли барчамизнинг бобомиз, миллатимизнинг чинакам фидойи фарзандидир.

Ўлжабой ҚАРШИЕВ



Нуроталик фидойи мураббий Ойдин Синдоров Кўргон қишлоғида Эргаш Жуманбулбул ўғлининг уй-музейини ташкил қилишга, осори-атиқаларини йигиб тўплашга кўп меҳнати синган. У киши Низомий номидаги педагогика институтини битиргач, Нурота туманинаги Сойкечар, Кўргон, Тепалик, Оқмачит ва бир қанча қишлоқ мактабларида дарс берган. Таникли ҳуқуқшунос, профессор ва бир неча детектив китоблар муаллифи, иқтидорли шахматчилар Ислом ва Шоҳжаҳон Синдоровларнинг бобоси Комил Синдоровнинг отаси.

Ойдин бобо бир неча фарзандларни тарбиялаб, қарилек гаштини суриб, неваралар ардоғида 4-5 йил муқаддам ҳаётдан кўз юмди.

Айни вақтда ҳозирги Кўшработ, бир пайтлар Нурота туманига қарашли бўлган Кўргон қишлоғидаги Эргаш Жуманбулбул ўғли музейи ҳалқаро андозаларга мос тарзда таъмирланиб, фольклор муҳлисларини кутиб турибди. Аммо, музей раҳбари, Кўшработ тумани ва Самарқанд вилояти ҳокимларни ноёб фольклор дурданаларини бағрига олган бу маънавият ма-



— Ушбу тадбирда юрак қон томири, қандли диабет касалликларининг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзига риоя қилган ҳолда доимий жисмоний машғулотларни канда қилмаслик, керакли дори-дармонларни вактида истеъмол қилиш тушунтириб ўтилди, — дейди Республика кардиология илмий-амалий маркази директори Хуршид Фозилов.

— Тану жон соғ бўлса, кайфият ҳам яхши бўлади, — дейди биз билан сухбатда вилоят эндокринология маркази директори Бахтируз Михлиев. — Мазкур тадбир биргина кўрик билан чекланиб қолмай кардиолог, эндокринолог ва оиласий шифокорлар учун “Ўткир коронар синдромини” даволашнинг асосий жиҳатлари, “Қандли диабет муаммолари, профилактика ва эрта аниқлаш истиқболлари” мавзуларидан маъruzалар ўқилди. Бундан максад, одамларга соғлом турмуш тарзини тушунтиришдир.

Учунликтадбирдавомида маҳаллалардаги тиббий пунктлар ва 4-гурухга

Қашқадарёда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази ҳамда Тўрақулов номидаги эндокринология маркази Қарши филиали ҳамкорлигида “Инсон қадри учун” шиори остида сайёр тиббий кўрик ўтказилди. Унда вилоятнинг тоғли ва қуий худудларида умргузаронлик қилаётган кекса авлод вакиллари, ўрта ёшдаги ахоли тиббий кўрикдан ўтказилди.

ШИФОКОРЛАР АҲОЛИ ҲУЗУРИДА



мансуб бўлган беморларни хонадонларида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг тажрибали кардиологларидан Шуҳрат Дониёров, Ким Аркадий, Рустам Ҳазратқулов, илмий-амалий марказ Қарши филиали директори Яшин Ахматовлар томонидан кўриклар ўтказилди.

Тадбир якунида Қашқадарё вилоятида кардиология хизматининг муаммолари мухокама этилиб, уларни ҳал қилиш учун маслаҳатлар берилди. Шу ўринда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича чоралар белгиланди.

Шавкат КАРОМОВ

Юраги бўшлар ўқимасин!

18+



— Фалон, фалон жойингизни фалон клиникага бориб, МРТ қилдириб келинг.

— Хўп, бошқа клиникага борсам бўлмайдими? Ёки давлат шифохонасида ҳам бор экан шу аппаратдан...

— Йўқ, бу соҳани Тошкент ҳам яхши аниқлаб беролмайди. Фақат ўша клиникага боринг! Давлат шифохонасида сидагилари арzon аппарат, пулингизга куясиз!

Фалон клиникага келдим. Одам тутаб ётибди. Бозор бўлиб кетган, навбатнинг катталигидан

юрагингиз орқага тортиб кетади.

Навбат олиш учун навбатда турдим. Тўрт соат кутишим керак экан.

— Клиникамизнинг телефон рақами борми сизда? - сўраб қолди навбат ёзиб берган чиройли қиз.

— Йўқ.

— Врач йўлланмасига қаранг, бўлиши керак.

Йўлланмага қарадим, ростдан клиника рақами ёзилган экан. Тасодиф

бўлса керак, менга йўлланма ёзиб берган врач ҳам шу клиника бренди босилган дафтарчадан ишлатаркан... Яхши гумонда бўлдим.

— Ўша рақамга йўлланмани суратга тушириб, ташлаб юборинг, илтимос...

Хуллас, бу мамлакат жуда ажойиб. Жудаям!

Исомиддин ПЎЛАТОВ

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилиармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

**Бошмуҳаррир
Мақсад ЖОНИХОНОВ**

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида сахифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-210

Адади: 1015.

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига

2006 йил 0010-ракам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани,
Новза кўчаси, 14-уй

Маълумот учун телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:
jamiat@mail.uz
Газета индекси — 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6

ОХАНГЛАР ОҒУШИ

(Боши 1-саҳифада)

Мусика, кўшиқ... Хуллас, оҳанг... У замонавий инсон ҳаётида қанчалар ўрин тутади? Жиддийроқ ўйлаб кўрганимисиз?.. Масалан, мен ўйлаб тураман. Чунки ёшлигимдан мусиқага, кўшиқка ошно бўлиб улгайганман. Отамга рубоб олдирганман. Тўгара-кларга катнаганман. Мактаб тадбирларида ҳатто қўшиқ ҳам айтганман. Лекин энг баланд пардаларни, авжни, масалан, Шерали Жўраевдек ололмаганим учун “мендан қўшиқчи чиқмайди!” деб бу ишга нукта кўйганман. Энди хозиргиларга қарасам, куйлаш учун баланд овоз керак эмасдек. Умуман овози “йўқ”лар ҳам айтиб ётиди. Менда эса тузуккина овоз бор эди. Ҳатто “кўшиқчиман” деб юрганларнинг 90 фоизидан хозир ҳам овозим баланд, кўшиқбоп бўлса керак, деб ўйлайман. Рубобни ҳам дуруст чалардим.

Эсимда, Туркияда ўқиб юрган кезларим, ёткхонада, ўз хонамда ҳеч ким йўғида гитарани рубобга ўхшатиб, юртимизда қалбимга сингиб кетган қайсиdir бир куйга ўзимдан ул-бул қўшиб, эрмак қилиб чалиб ўтирсам, кўшни хонадан буни эшитган бир турк талаба йигит эшик чертиб келди-да, “Валлохи, бу куйни яратган миллатни енгиб бўлмайди!” деб юборганди. Кизик, бу куйни яратган пайтда халқимиз қандай ҳолда экан – озодмикан ёки қул?..

Энди хозирги тажрибамдан келиб чиқиб айтсан, қўшиқчилик боғида ўзимга талабни жуда баланд, ҳатто энг баландини кўйган эканман ўшанда. Қолаверса, адабиётга бўлган муҳаббатим ҳаммасидан кучли эди. Агар таъбир жоиз бўлса, бу муҳаббатни фақат ёрга бўлган муҳаббатга қиёслаш мумкиндир, эҳтимол. Ҳа, мен учун бирламчи – адабиёт эди. Ахир, унда ўша оҳанг ҳам, ўша қўшиқ ҳам, ўша ҳаёт ҳам бор эди-да!..

Хўш, мен буларни нима учун ёзяпман? Оҳанг ҳақида гапиришга озгина маънавий ҳаққим бордир, деб ўзимга ўзим уқтироқчи бўляпман. Магар шундай ҳақ бўлса, у ҳолда хозир сизга айтмоқчи бўлган гапимнинг пўсткалласи – “бугун замонавий оҳанг сизу бизнинг онг ва қалбларимизга қандай таъсир қиласпти?” деган савол атрофидан бўлади.

Хуллас, атрофимизни куй, қўшиқ, нағма ва шовқин босиб кетди. Айникиса, клиплар жуда урф бўлди. Мен бу ерда ҳамма нарсадан аввал ана шуларнинг ОҲАНГи ҳақида тўхтамоқчиман. Имкон топсанк, матн, манзара, мавзу ҳақида ҳам гаплашармиз.

Шундай қилиб, ОҲАНГ! Бугун телевидение, радио, интернет, диск, флешка ва бошқа техника воситаларида элга тарқатилаётган куй-қўшиқларнинг оҳанги қандай? Ва у нималарга қодир?.. Кузатишмича, бугун у жуда катта ижтимоий-сиёсий ва психолого-кинезиологич кучга эга бўлиб улгурди. Бошқача айтсан, ОҲАНГ ОДАМЛАРНИ БОШКАРЯПТИ! Қайдай дейсизми? Кулонингиз орқали миянгизга кираётган ритм, такт орқали. Ана, супермаркетларда тараладиган мусика ва хидноситасида инсон кайфиятига таъсир қилиб, уни кўпроқ харип қилишга ундилиятгани ҳақида олимлар бонг уришмоқда. Энди бугун чор-атрофимизни босиб кетган маза-матрасиз, қиёфасиз, дардсиз нағмаларнинг ботинимизга, сўнг бутун бошли ҳаёт тарзимизга таъсир қиласпти деб айтиб оламизми?.. Менинча, йўқ! Оммавий маданият нафақат кийиниш, муомала, овқатланиш, ўзни тутиш тарзида намоён бўлади, балки мусика ва қўшиқларда ҳам ўзини баралла намойиш этади, этмоқда. Эътибор берган бўлсангиз, тахминан 2000 йилдан бу ёнда пайдо бўлаётган куй-қўшиқларнинг аксар кисмида (такидлайман, ҳаммасида эмас, кўпчилигидан!) дард йўқ. “Нега?” деймиз ўзимизга ўзимиз савол бериб. Балки одамларнинг ҳаёти бирмунча қулашгандир. Комфорт!

Дардли оҳанг дарддан туғилади-да! Бугунги оҳанг, тўғрироғи, унинг бузилиши замонавий инсон ҳаётининг акс-садоси! Одам боласи комфорт ҳаётга талпиняпти, эришяпти, бас, у басталаётган куй-қўшиқ ҳам шунга яраша енгил тортяпти... Балки масаланинг яна бошқа сабаблари бордир. Билмадим...

Хуллас, рухни тарбияловчи оҳангдан маҳрум, агрессив, пала-партиш, ўхшовсиз нағма бугун бутун дунёни босди ва менинг кузатишмича, унинг зарари оммавий қирғин келтирувчи куроллардан кўп бўлса кўпки, асло кам эмас. Чунки у секин-аста ичимизга ғимирлаб кириб боряпти, онгимиз ва қалбимизни заҳарляяпти. Бас, ўша қирғин куролларини отишга рухсатни бергич кучлардан бири ҳам айнан оҳанг, тўғрироғи, оҳангсизлик билан боғлиқ бўлса, не тонг!.. Ошириб юбордингиз, ёқмаса, ана, эшитманг, дейсизми?.. Бунинг иложи йўқ.

Эшитмаслик учун бугун ёруғ оламни тарк этиш керак бўлади. Бошқа чораси йўқ. 90-йил эди, адашмасам. Биз, талабалар пахта теримида, даладамиз. Ҳавода ўша пайтда энди-энди урф бўлаётган маза-матрасиз нағмалар янграйпти. Қаердан бўларди – очик далада юрган ҳали у, ҳали бу машинадан, уларнинг магнитафонидан-да. Хуллас, вазиятга қараб туриш учун бириктирилган ўқитувчи, адабиётшунос, нотик Раҳмон Кўчкор далага пахта кўччатларидек сочилиб кетган талабалар билан бир-бир гаплашиб ўтиб кетар экан: “Жин урсин, шу қўшиқлар роса жонга тегди-ю!” деб ўз норозилиги изҳор қилди. Мен ҳам жавобан нималардир дедим. Шу, орадан бир хафталар вакт ўтди. Раҳмон ака дала айланаб юрар экан, туйкус унинг ўзи худди ўша, ўзи танқид қилган нағмани замзама қилиб кетаётганини эшитиб қолдим: “Ия, Раҳмон ака, ўзиз сўқиб, ўзиз хиргой қиласпти?!”

десам, “Ҳа, энди нима қиласпти! Кунда беш-ён мартадан қулоғийзга киравергандан кейин истар-истамас ўшани хиргойи қиласпти экансида!” деб жавоб берди. Бу сафар у нафақат нағмадан, балки ўзидан-да норози эди.

Бас, шу мисолда барчаси аён: кўзимизга кўринаётган негатив манзаралардан, қулоғимизга чалинаётган рухбузар нағмалардан жуда-жуда эҳтиёт бўлиш керак. Инсонни бузиш учун бошқа нарса ўйлаб топишнинг хожати йўқ – шуларнинг ўзи етиб ортади.

Оҳангдор сузар жаҳон

Абадиятга томон, деб ёзганди ўз вақтида ўзбек символистик шеъриятини авж нуқталарга олиб чиқкан шоир Ойбек Шоирнинг қалб қулоқлари жаҳоннинг “юриши”да теран бир оҳангни илғаган эди. Ойбеклар қолдирган мерос ҳам ана шу оҳангга суюнар эди. Шунинг учун ҳам Ойбек мансуб адабиётдан социалистик гояга хизматни сокит қилсангиз, остида ёруғ бир манзара колади. Ва у ҳаётга, ҳаттёпарастликка хизмат қиласпти. Бирорқ оҳангсизлик ёки агрессив оҳанг ҳаётда ҳам, санъатда ҳам негатив оқибатларга етаклаши шубҳасиз. Чунки ҳаёт бу муайян унсурлар орасидаги мувозанат дегани. Ўлим эса ана шу мувозанатнинг бузилиши. Шу маънода, таъбир жоиз эса, айтиш мумкинки, оҳанг ҳаётнинг, оҳангсизлик эса ўлимнинг рамзи. Адолъф Гитлернинг агрессив куйларни ёқтириши ҳақида ўқиганингиз бордир сизнинг ҳам. Қаранг, биз менсимиай қарайдиганимиз оҳанг, тўғрироғи, унинг бузилиши, агрессив тус олиши инсон психикасига, кейин дунёқарашига қандай таъсир қиласпти экан...

“Биз, яъни ўзбек жамияти булар ҳақида етарлича бош қотирамизми?..” деб ўйлаб қоламан баъзан. Ахир, атрофимизни оҳангсизлик босиб кетди-ку!.. Саволга “Бир гап бўлар” деб жавоб берсан, яна ўзимизга хос ва мос тарзда. Мен жавобни таржима килиб беришим мумкин: факат ёмон бўлади!..

Бас, шундай экан, вақтнинг борида оҳангсизликка эмас, балки ўзида ўйғунликни мужассам этган оҳангга хизмат қилиш ҳақида ўйлаб кўриш керак – ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам...

**Улуғбек ҲАМДАМ,
ёзувчи**